



## ТЕЛЕБОШЛОВЧИ ИМИЖИДА АХЛОҚИЙ МЕЗОНЛАР

Норқулова Шаҳноза Абдурахим қизи

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ

КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

“Телевидение ва радиоэшиттириш” йўналиши 2 курс

магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6564025>

### МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 15-aprel 2022

Ma'qullandi: 20-aprel 2022

Chop etildi: 23-aprel 2022

### KALIT SO'ZLAR

имиж, профессионал,  
аудитория, телестанция,  
синоним,  
персонафикация,  
информация,  
профессионал

### ANNOTATSIYA

Телебошловчи имижининг шаклланиш технологияларида дастур бошловчиси, янгиликлар бошловчиси, мушқий дастур бошловчиси фаолиятининг алоҳида жиҳатларини таҳлил этиш, уларнинг асосий маҳорат мезонларини аниқлаш; замонавий теледастурларда ахборот персонификациясининг ўзига хос хусусиятини ўрганиш; эфир олиб боришда янги ёндашувларни белгилаб олиш; телевидение фаолиятининг замонавий тенденцияларига кўра кўрсатувлардаги ўзаро мулоқотнинг фаоллашуви ҳамда юқоридагилар асосида Ўзбекистон телебошловчиларининг эфир олиб бориш амалиёти қиёсий таҳлилни ўтказишдан иборат.

“Жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ва таъсирчан омил ҳисобланади. Бу борада чинакам миллий журналистика мактабини шакллантириш, хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини, ахборот ва Интернет тармоғидаги таҳлилий сайтларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгадир.”<sup>1</sup>– дейди, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида қарорида.

Албатта, Оммавий ахборот воситалари ҳокимият ва халқ ўртасидаги ягона ва том маънодаги воситачи бўла олиши жиҳатидан, жамоатчилик фикрини шакллантириш, миллий истиқлол ғоясини халқимиз, энг асосийси, ёш авлод онгига сингдиришдаги аҳамияти беқиёс. Улар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ислохотлар жараёни, бу борадаги муаммоларни, жамият ҳаётининг турли қирраларини тезкорлик билан акс эттирадиган самарали воситадир. Тўртинчи ҳокимият ҳисобланган оммавий ахборот воситалари турли фикрлар, ранг-баранг

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/3748563>



қараш ва ёндашувларга кенг йўл очиб бериши, ҳаётимизда рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотиш, холислик ва ҳаққоният тамойилларига таяниб фаолият юритиши лозим.

Аудитория – оммавий ахборот воситаларига дахлдор жамиятнинг муайян бир қисми ёки жамиятнинг ўзидир. Ҳар бир телестудия ўз формати, мақсад ва вазифаларига кўра маълум аудиторияга эга бўлади. Масалан ўз услубига кўра миллийликни, менталитетимизга хос маънавий-маърифий муносабатларни, бой маданий меросимиз қадр-қимматини, шарқона инсонийлик фазилатларини тарғиб этадиган “Ўзбекистон”, “Маънавият ва маърифат”, “Ўзбекистон тарихи” телеканалларининг томошабинлари жамиятимиздаги мавжуд қатлам вакиллари: ёши улуғлар, ўрта ёш аёллар, савияли ёшлар ҳисобланади. Унда фаолият юритаётган бошловчилар ахлоқий меърларга риоя этиб, ўз аудиторияси олдидаги масъулиятини тўла англаган ҳолда эфир олиб борадилар. Ўз тилида миллий руҳни сақлаб, жамоатчилик фикрини тўғри шакллантириш усул ва йўналишларини тўғри йўлга қўйиш телебошловчилар олдида турган энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу борада тадқиқотчилар томонидан кўплаб фикрлар билдирилмоқда. Ҳозирги кунда хусусий телеканаллардаги шакллантирилаётган бу “маданиятли” шеванинг таги пуч: сўз ўзбекча, жумла тузилиши – русча, оҳанг эса умуман нотўғри қўйилган. Ахлоқий

жиҳатдан тарбияланган журналист аудитория (томошабинлар) унинг қарашлари ва ахлоқий мезонлари билан ўртоқлашадиган одамлардан иборат эмас, балки телеканал аҳолининг турли қатлами вакилларига мўлжалланганлигини унутмаслиги керак. Телевидение бошловчиси янгиларни зарурият пайдо бўлганда, уни нотўғри хабар тарқатишида айблашган тақдирда ўзининг ҳақлигини тасдиқлай оладиган далилларга асосланган кўринишида тузиш керак. Узатилаётган ахборотнинг эфир орқали ишонч уйғота олиши нафақат янгилар бошловчисига балки, кўрсатув бошловчисига ҳам тегишли. Кўрсатув бошловчиси ахборот таҳлилий дастур бошловчиларидан фарқли ўлароқ (у кун давомида жуда қисқа муддат томошабинлар эътиборида бўлади, аудитория билан ишлайди, демак унинг омма онига таъсири ҳам муҳимроқ. Ўзининг маълум соатга мўлжалланган эфир вақтида томошабинга имкон қадар маънавий озуқа беришга мўлжалланган маълумотлар, маънавий ҳордиқ чиқаришга йўналтирилган дастурлар тақдим этиши аудитория олдидаги масъулиятини белгилайди. Телебошловчи кўрсатув олиб бориш даврида томошабинларнинг ёши, жинси, қизиқишлари, савиясига мўлжаллаб ахборот бериши, шу орқали ҳар бирида маълум бир мулоҳаза шаклланишига ёрдам бериши, уларнинг шахсияти ёки менталитети нуқтаи назаридан амал қиладиган яшаш принципларига зарар келтирмаслиги унинг ахлоқий мезонларни ташкил этади. Фикр юритаётган мавзуси бўйича мутахассис ёки машҳур инсонларнинг дастурга



жалб қилиниши ва иштирок этиши аудиториянинг қизиқишини кучайтиради ва маълумот тезроқ қабул қилинади. “Телебошловчилар нафақат ахборот етказиш, балки аудиториянинг кайфиятини кўтариш, бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишда катта роль ўйнайди. Ўз-ўзидан теле экранда кузатиш жараёнида томошабин эътибори телебошловчиларнинг ташқи кўриниши ( соч турмагидан тортиб, унинг кийган либоси), ёқимли нутқи, улар томонидан ишлатилаётган сўзлар тартади. Кенг омманинг диққат марказида бўлган ана шу телебошловчилар зиммасига юклатилган вазифа томошабинлар учун кўнгилочар дастурлар тайёрлашдан иборатдир, бироқ шу жараёнда яна кимнингдир кўнгилни хира қилишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Аудиториянинг кўрсатувга муносабати ундаги бошловчининг ўзини тутиши ёки стулда қай ҳолатда ўтириши, сўз маъсулиятини қанчалик ҳис қилиши, нутқий маданияти қай даражада эканлигига боғлиқ.”<sup>2</sup> Маълумки, сўнги йилларда ахборот бозорида фаолият кўрсатаётган телеканалларнинг сони ортиб бормоқда ва шу билан бирга томошабинлар орасидаги мавқеи ҳам ортиб бормоқда. Бироқ кўплаб телевидение бошловчиларининг ғайриоддий ҳаракатлари, экран олдида жуда “бемалол” бўлишлари, нутқ маданияти, уларнинг савияси ва эфир давомида улар томонидан қилинаётган ҳатти-ҳаракатларнинг эстетик даражаси борасида кўплаб танқидий фикрлар

билдирилаяпти. Бунга жавобан эса бошловчилар “Бизга ёшларбоп кўрсатувлар тайёрлаш орқали ҳеч кимга ўхшамайдиган услуб яратишга интилоқдалар.

Айрим кўрсатувлар, хусусан, тонгги кўрсатувларни олиб борувчи бошловчилар экранда ўзларини ортиқча эркин тутиб юборадилар. Бу уларнинг ҳуда-беҳуда кулишлари, бачкана ҳазиллари ва айниқса, бошловчи қизларимизнинг тор, калта юбка ва очиқ кийиминишларида яққол кўзга ташланиб қолмоқда. Бу ҳақда айрим ёшлар билан суҳбатлашганимизда улар бунини бошловчининг “эркин”лиги сифатида баҳолашди. Ёши катталар эса маданиятсизликка менгзашди. Майли, ҳамманинг ўз фикри бўлгани яхши. Биз ҳам улар ҳақида “яхши” ёки “ёмон”, деб ҳукм чиқариш фикридан йироқмиз. Айтмоқчи бўлганимиз, бошловчи қизларимиз ўзларини миллионлаб ўзбек томошабинлари кўришини ҳисобга олиб, экранда са-а-ал сипороқ тутишса яхши бўлишини эслатиб қўймоқчимиз, холос.

Аммо, хусусий телестанцияларда берилаётган кўрсатувлар профессионал даражада тайёрланмаганлиги сабабли ҳақиқатдан ҳам ёшларнинг савияси ва эстетик дидини ўстиришга хизмат қила олмайди. Натижада телебошловчилар томонидан эфир маданиятининг бузилиши томошабинларни ранжитмоқда. Телевидениеларга бошловчиларнинг маълумоти, уларнинг бурч ва маъсулияти каби масалалардан келиб чиқиб улар танлаб олиниши

<sup>2</sup> Арифханова С. Телевизионная журналистика. – Т.: 2007.,33 б.



керак. Бугунги кунда уларнинг эришаётган ютуқлар билан бир қаторда улар йўл қўяётган камчиликлар ҳам дарҳол кўзга ташланмоқда. Бугунги кунда нодавлат телеканалларининг аксарият кўрсатув бошловчилари шоу-бизнес вакиллари саналади. Шу ўринда савол туғилади, **«нега энди медиа маконда олий маълумотли журналистлар бўла туриб, хусусий телеканалларимиз санъаткорларга суяниб қолмоқда»**. Жавоб эса оддий, каналлар рейтингини оширишда, дастурларнинг томошабоп бўлишида улар шоу-бизнес вакилларида фойдаланишади. Рейтинг юқори телеканалларда тадбиркорлар ўз маҳсулотини реклама беришда ўша канални танлайди. Реклама эса – бу ПУЛ. Шунинг учун, хусусий телеканалларнинг кўрсатувлари мазмунан сифат даражаси паст, профессионаликдан йироқ, енгил елпи мазмунидаги кўрсатвлар ташкил этмоқда. Мисол учун, илгари “Севимли” кейин “Зўр ТВ” телеканалида фаолиятини бошловчи сифатида давом эттираётган Хуснора Шодиева гўзал ташқи кўриниш, майин тавассуми ва позитив кайфияти билан мухлисларни ўзига жалб қила олиши мумкин, аммо профессионаликдан йироқ, сўз бойлигининг етишмаслиги, мулоқот давомида оддий бир саволнинг эга ва кесимини ўрнида қўллай олмаслиги, шу билан бирга ҳаддан ташқари кўп қотиб кулиши жиҳатидан мухлислар ғашини келтиради. Давлат телеканалларида ахлоқий меъзонларга риоя қилмаган ва нотўғри ҳаракати билан мухлислар эътиборига тушган телебошловчиларга ҳайфсан мақоми берилади. Телебошловчилар шу билан ўз

камчиликлари ва ҳаракатига эътиборли бўлишади. Менимча, бундай мақом хусусий телеканалларда ҳам жорий этилса кўрсатувларнинг маънавий жозибдорлиги ортади деб ўйлаймиз.

Хусусий телеканаллар ҳақиқатдан ҳам ёшларбоп кўрсатувлар тайёрлаётгани ёки томошабинга ҳурматсизлик қилмоқдами? Бу борада яна бир қанча фикр билдириш мумкин. Телебошловчиларни танлаб олиш тизими, уларнинг маълумоти, билим даражаси, нутқ маданияти эътиборга олиниши, уларга бериладиган эркинлик ва эркинликни назорат қилиш, телебошловчиларнинг томошабин олдидаги маъсулиятини орттиради. Агар суҳандон мухлисларни ҳурмат қилса, у ўз устида ишлайди. Мухлисларга ҳар доим янгилик беради. Маъсулиятни бўйнига олган телебошловчи шу ишларни қилишга қодир. Шунингдек, томошабинлар билан самимий ва очиқ кўнгиллик ила муомалада бўлиши, уларга билмагани ўргатиши, керак бўлса ўзи ҳам ўрганиши лозим. Бироқ ҳозирги кунда ток-шоу ва лойиҳа нима эканлигини билмайдиган телебошловчилар ҳам учраб туради. Ток-шоу – бу мулоқот, лойиҳа эса – бирон-бир мақсадни кўзлаб, ўз ичига қандайдир вазифани қамраб олган кенг доирали дастур ҳисобланади. Қолаверса, “ашула” ва “қўшиқ” сўзини синоним ҳисоблайдиганларни шулар қаторига киритиш мумкин. Бу синоним сўзлар эмас, “ашула – мумтоз тарона, гўзал куй оҳанглардан яратилган буюк дурдона саналади, қўшиқ эса эстрада



йўналишидаги таронадир.”<sup>3</sup> Биз телебошловчилар томошабинлардан нутқ маданиятимиз ва фикрлашимиз билан улардан ажралиб туришимиз керак. Сабаби, биз ярим соатлик кўрсатув давомида томошабинга қайсидир тарафлама бошловчи ўзининг тутиши ва нутқ маданиятидан сабоқ беради. Аксарият мутахассисларнинг фикрича, биз сўзлашувда ўзбек тилининг синонимик қаторларидан энг хунук бир қисмидан фойдаланамиз. Телевидение инсонларнинг ташқи кўриниши ва нутқи пасайиши ёки ўсишини таъминлаб берувчи омиллардан биридир. У қайсидир маънода маданий ҳордиқ олишга ҳисса қўшади. Томошабин ўз кайфиятидан келиб чиққан ҳолда бирор-бир канални танлайди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ҳар бир телеканал ўз низомига қараб иш юритади. Хусусий телеканаллар ичида ҳар бир канал низоми доирасида телебошловчилар танланиб олинади, яъни бошловчиларнинг эфирда ўзини тутиши, айтиладиган гаплари, телеканалнинг низомига қараб белгиланади.

Айтиш керакки, хусусий телеканалларимиз том маънода энди-энди оёққа тураяпти. Юқорининг босимисиз фаолият юритишга ўрганишяпти. Шу маънода уларнинг айрим хато-камчиликларидан, бошқа мамлакатлар кўрсатувларидан тўғридан-тўғри нусха кўчиришларга вақтинча кўз юмиш мумкиндир. Бироқ келажакда ҳам пухта тайёргарликсиз

ёки телебошловчилар имижида “эркинлик”ка йўл очиб беришида томошабин айбдор эмас. Аудиториянинг телевизор томоша қилишидан мақсад, эстетик завқ олиши, маънавий тасавури кенгайиши ва тарбиявий аҳамиятга эга лойиларни томоша қилишдан иборат.

Телевидение бу оғзаки нутқ, кадрда кўрсатув олиб бораётган шахснинг тили, лексикаси, сўз бойлиги, эфирда чиройли фикрлаш қобилияти ҳамдир. Оғзаки нутқ эса ўз қонун-қоидаларига ички қурилиш структурасига эга. Дейлик, яхши кўрган қизи билан учрашувга чиққан йигит ўз муҳаббат сўзларини қоғозга қараб ўқиб берса, қиз йигитнинг устидан кулган бўлар эди. Айни бир пайтда йигит шу қоғозни мактуб қилиб юборса бу ўқилган сўзлар қиз боланинг қалбини сеҳр билан чулғаб, дил-дилигача бориб йетган бўлар еди.

“Телебошловчи жамиятнинг энг илғор, зиёли вакили. Одамлар бошловчига бутунлай бошқача кўз билан қарашади, унинг ахлоқидан, юриш-туришидан, муомиласидан, яшаш тарзидан ўзлари учун намуна ва ўрнак бўларли фазилатларни излашади. Сизнинг тимсолингизда энг холис касб соҳибини кўришади. Сизнинг гапингизга, ёзганларингизга ишонишади. Сиздан ёрдам, маслаҳат сўрашади. Сизга Ҳавас қилишади.” Айниқса, телевидение ходимларига. Шунинг учун ҳам экрандаги журналист ёки телебошловчининг кийиниши, ўзини

<sup>3</sup> <http://library.navoiy-uni.uz>



тутиши, нутқ маданиятига чуқур эътибор қаратилиши керак.

Сир эмас кейинг йилларда янги йўналишдаги кўрсатувлар, хорижда суратга олинган турли йўналишдаги сериаллар, рекреатив характердаги телевизион лойиҳалар экранларимиздан кенгроқ жой эгаллай бошлади. Намойиш этилаётган сериалларни кўриб, дубляж усталарининг тинимсиз иш олиб бораётганларига, телеижодкорларнинг янгидан-янги лойиҳалар устида иш олиб бораётганлигига гувоҳ бўласиз. Аммо, бу кўрсатув ва сериалларнинг тили, бошловчиларнинг нутқ маданияти масаласи бироз ачинарли.

Журналистнинг ижтимоий бурчи Хусайн Воиз Кошифий таъкидлаганидек, кишиларга нафи тегадиган сўзни сидқи-садоқат тили билан айтиш ва ёзишдир. Шундагина уни аудитория қалби билан қабул қилади. Бу еса ижод вакилидан “мен сўзни ва мен сўзникидир” тамойилида иш кўришни талаб этади.

Эфир сифатини ошириш, телебошловчи имижи ва ахлоқий мезонларига қай даражада аҳамият қаратиши мақсадида «Ўзбекистон 24» телеканали янги бир лойиҳани бошлади. Унда, Ўзбекистоннинг таниқли сухандонлари билан ҳамкорлик йўлга қўйди, деб хабар берди Uzbekistan 24. Таниқли сухандон Раъно Жўраева «Ўзбекистон 24» телеканалининг эфир бошловчилари учун илк маҳорат сабоқларини ўтди. Машғулотларда асосий урғу эфир маданияти, техникаси, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида

бўлди. Навбатдаги семинар тренинглари Галина Мелникова, Фарход Бобожонов, Шаҳноза Ғаниева каби соҳа мутахассислари иштирокида бўлиб ўтди. Ўйлайманки, бундай лойиҳалар хусусий телеканаллар фаолияти давомида жорий этилса, бундай телеканаллар маънавий-маърифий жиҳатидан мана ман деган давлат телеканаллари билан бемалол баҳслаша олади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, телебошловчи экранга чиқишдан олдин яъни тасвирга олиш майдончасига киришдан олдин ўзи аҳамият берадиган жиҳатларга эътиборли бўлиши керак. Бу ҳам телебошловчи имижида муҳим роль ўйнайди. Яъни,

1. Энг аввало, оммабоп йўсинда сўзланаётган муайян нутқ агар қоғозда ёзилган бўлса, ўқиб ўзлаштирилиши
2. Ҳар бир фикрнинг бошланиши, ўртаси ва охири бўлади. Энг муҳими ўқиётган матн ёки гапирилмоқчи бўлган нутқ қандай тугутишини эсда сақлаш;
3. Жуда қаттиқ ҳаяжонланиш бўлиши табиий. Нутқ олдидан ёки эфирга чиқаётган вақтда сув ичиш тавсия этилмайди.
4. Мавзуга доир маълумотларга эга бўлиши, агар кўрсатув мулоқот шаклида бўлса, муҳаррир берган маълумотлардан ташқари суҳбатдоши ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиши керак.



5. Телебошловчи кийим, либосига эътиборли бўлиши керак. Кийимлар тор бўлмаслиги, очиқ ва кўзга ташланмаслиги талаб этилади.

Шу билан бирга, “Ҳаққонийлик – миллий манфаат – касб этикаси меъёри триадаси тўқнашган ҳолатларда журналистнинг (ёки шарҳловчи, бошловчининг) ижодий маҳорати, мулоҳаза юритиш услуби, муносабатини баён этиш оҳанги ва энг муҳими, унинг асл нияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Нияти эзгу бўлган журналист ҳар қандай вазиятда миллий манфаатга путур етказмаган ҳолда ҳаққонийликка хилоф йўл тутмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтаманки, нимани очиқ айтиш ва нимани ошкор этишга шошилмаслик ҳам журналист ва бошловчидан муайян тажрибани, вазминликни тақозо этади. Айтайлик, жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни жамоатчиликка етказаётган журналист маълум маънода сиёсий куч ҳам ҳисобланади. Унинг талқинида ёритилаётган воқеа кенг омма томонидан қабул қилинар экан, ўша воқеа тепасида бўлмаган кишилар журналистнинг ахбороти орқали маълум тушунчага эга бўладилар, унга ишонадилар.